

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

■ «Авалло депутат, партия фаолининг ўзи одамларга ўрнак бўлиши, амалий ишларнинг бошида туриши керак, деб ўйлайман...»

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим воситаси

2016 йил 11 апрель куни қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган меъёрларнинг аҳамияти ҳақида **Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлар номдори Хушвакът ХАЙИТОВ** билан суҳбатлашдик.

— Ислохотларнинг бугунги босқичида ушбу қонун қабул қилинишига қандай эҳтиёж бор эди? Аввало, шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Мазкур қонун қабул қилинишига бўлган эҳтиёж тараққиётнинг «ўзбек модели», унинг тамойиллари ҳамда мамлакатимизда шаклланган парламентаризм тажрибасидан келиб чиқади. Айтиш кераки, ўз вақтида мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шакллантирилиши бу борада долзарб аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини сезиларли даражада юксалтириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича ижро органлари масъулиятини кучайтиришга хизмат қилувчи ташаббуслар илгари сурилди.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига қиритилган ўзгаришга мувофиқ, парламент сайловида ютиб чиққан сиёсий партиялар тақдим этган Бош вазир номзодининг парламент томонидан қўриб чиқиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-

моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Шунингдек, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) «ги қонун асосида ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий орган ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш механизмлари янада такомиллашди.

Шулардан келиб чиқиб айтиш кераки, босқичма-босқич қабул қилинган мазкур қонун ҳужжатларининг мантикий давоми сифатида «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун долзарб аҳамиятга эга.

— Албатта, парламент назоратини амалга ошириш ўзига хос ва мураккаб жараён ҳисобланади. Шу ўринда парламент назоратининг механизмлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Қонунда парламент назорати субъектлари аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати, уларнинг қўмиталари ва комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ҳамда парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади. Яъни, ана шулар парламент назоратини амалга оширади.

Шунингдек, қонун парламент назоратининг илгари турли қонун ҳуж-

жатларида тарқоқ ҳолда бўлган шакллари тизимлаштириш билан бирга, ҳозирги кунгача қонунчиликда акс этмаган янги шакллари ҳам жорий этди. Хусусан, қонун орқали янги — «парламент текшируви» институти жорий қилинди. Унга асосан жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Бунинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузилади. Комиссия парламент текширувини ўтказишда бир қатор ҳуқуқларга эга. Жумладан, комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек, фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек, фуқароларни тушунтиришлар бериш учун тақлиф қилишга ҳақи. Комиссия Олий Мажлис палаталарининг қарорига мувофиқ қонун доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, қонунда Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш масаласи ҳам белгиланган. Бу эса мамлакатда қонун устуворлигини, прокуратура органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Парламент назорати натижалари қай тартибда қўриб чиқилади? Ушбу масала ҳам жуда долзарб ва кўпчиликни қизиқтирмоқда.

— Қонунда парламент назорати натижаларига оид тартиб-қоидалар ҳам алоҳида белгиланган. Унга кўра, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича қўйиладиган амалга оширишга ҳақи: Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қўриб чиқиши учун тақлиф киритиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига тегишли тақлиф ва тавсиялар бериш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маъруза, ҳисобот ёки ахборотларни ҳамда бошқа материалларни (мулоҳазалар ва тақлифларни) кўрсатган ҳолда) маромига етказиш учун қайтариб юбориш.

Шунингдек, парламент назорати материалларини қўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига юбориши, фуқароларнинг

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини қўриш талаби билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин.

Қолаверса, парламент назоратини амалга оширувчи субъектлар мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимидан

озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига тақлифлар ва тавсиялар киритиш каби ваколатлардан фойдаланади.

— Парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни қўриб чиқиш ҳамда ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қандай вазифаларни амалга оширади?

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг қўриб чиқиши ва ижро этилишини таъминлайди. Бошқача айтганда, парламент тақлиф ва тавсияларини амалга ошириш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқади, бу борада қарорлар қабул қилади. Бу ҳақда парламент назорати субъектларини хабардор этади, қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўради.

Хулоса сифатида айтиш кераки, парламент назоратининг изчил йўлга қўйилиши жамиятимизда қонунлар ижросини таъминлаш, давлат бошқарувида парламентнинг таъсир кучини ошириш, ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ вакилларини олдида масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

Қишлоқларда хизмат кўрсатиш кўлами ортмоқда

Ўзбекистон ХДП Нишон туман кенгаши, туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва туман саломатлик маркази ҳамкорлигида «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш — энг муҳим устувор йўналиш» мавзусида даяра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлиги хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбирда таъкидландики, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларга талаб йилдан-йилга ортмоқда. Бунда янги масивларда барпо этилаётган замонавий инфратузилма иншоотлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари муҳим омил бўлмоқда.

Шу боис, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ишлар ҳажмини кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашга устувор масала сифатида қаралмоқда. Бу вазифанинг изчил амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Соғлом турмуш ва ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон ХДП Қогон туман кенгаши ташаббуси билан туман соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ижтимоий ҳимоя тизими манзиллигини таъминлаш» шиори остида тиббий-ижтимоий акция ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад аҳоли саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини юксалтириш, бирламчи касалликларни ўз вақтида аниқлаб, соғломлаштириш дастурларини амалга оширишдир.

Шу мақсадда тиббиёт ходимларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги ташкил этилди ва жойларда соғломлаштириш лойиҳалари ўтказилди.

«Уйрот» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган акция давомида қарийб бир юз эллик нафарга яқин маҳалла аҳолиси тиббий кўрикка жалб этилди. Касаллиги аниқланганларга саломатлигини яхшилаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Хушёрлик — осойишталик кафолати

Хўжабод туманида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Хўжабод туман кенгаши масъуллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ва ёшлар иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодини она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли гоёлар таъсиридан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда оммавий таҳдидларнинг асл мақсади, бундай салбий иллатларнинг воғда этмаганлар тарбиясида таъсири, миллий қадриятларнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни каби мавзуларда фикр юритилди.

Абдор ҚУРБОНОВ тайёрлади.

■ ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ОДАМ албатта орзу-мақсадларига эришади

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг ташаббуси билан амалий семинар бўлиб ўтди. Унда «Партия тизимидаги хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари» мавзуси бўйича маърузалар тингланди, тавсиялар берилди. Амалий машғулотлар ўтказилди...

Тадбир бошланишидан аввал Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Юлдуз Тўракулованинг хонасига кирдим. Ҳамиша ундан бир янгилик эшитардим. Бу сафар Юлдуз ҳозир шаҳардаги 3 мингдан ошқ аъзоларимизнинг 1,7 минг нафари хотин-қизлар эканини айтиб, ёнидаги ёшлардан бири — шаҳардаги қурилиш коллежида ўқийётган Азиза Қўзибоева билан танишдик. У яқинда «Ёш сиёсатчи — 2016» танловининг шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Биргаликда вилоят кенгаши жойлашган бинога етиб келдик. Ахборот-маърифат хонасига кирганимизда, анча ёшлар, депутатлар, фаоллар тўпланишган экан. Яқинда фуқаролар йиғинига ўтган сайловда «Дарвоза-тутақ» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланган, Қарши шаҳар Кенгашидаги депутатимиз Ханифа Панаевани табриклаб, ўзаро суҳбатлашдик.

— Мен семинарга келган ёшларга ўтган йили ёзда Касби туманидаги унутлимас учрашув ҳақида гапириб бераётганим, — дейди **Фузор туманидаги «Зарбдор» ҚҲЙ**



Расмийликдан холи, ҳаёт ташвишлари, орзу-умидлар билан боғлиқ гурунглр одамга кўп нарса беради, ёшлар бундан катта ибрат олади.

раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси **Раъно Жуновватова**. — Ўша учрашувда сўзга чиқиб, Президентимизга совет замонида Москвада халқ депутатлари қурултойига бораганимизда юз берган бир воқеани эслатдим. Ўшанда у киши вилоятимиз раҳбари эдилар. Арбат кўчасида сайр қилиб юрганимизда Наманган вилоятининг ўқишга бораган аспирантлар «Ўзбекистонимизнинг аҳоли қандай кечади?», деб мурожаат қилишганди. Шунда раҳбаримиз қомил ишонч билан: «Ўзбекистон-

нинг келажаги буюк. Аммо уни ўз қўлимиз билан яратамиз», деб жавоб берган эдилар. Яратганга шукри, қутлуг орзу амалга ошди. Президентимиз бу воқеани унутмаган эканлар, дарров ишим, оилам, фарзандларим ҳақида сўрадиклар. Шундай улуг инсоннинг қалб ҳарорати юрагимни эритди, кўларимга ёш қўйилиб келди. Учрашувдан қайтган, сайловчиларга, ҳамқишлоқларимга мамлакатимиз раҳбарининг оила-ни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, хотин-қизларга ғамхўрлик ва бошқа масалалар

ҳақидаги фикрларини ҳикоя қилиб бердим. Депутат сифатида Навоий машина трактор паркига ўтадиган кўприкни созлаш сўрови билан чиқдим, ҳозир таъмирлаш ишлари бошланган. Ўзимиз янги идора биносини қўриб олдик. Яқинда 15 та тикув машинаси келтириб, кичик цех очдик, қишлоқ аёллари ишли бўлди, ҳаёт билан баробар қадам ташлашга уриниб, тиришиб келяпмиз. Бахони эса одамлар беради...

Менинг назаримда, бу суҳбат ва мулоҳазалар тадбирнинг биринчи ва энг муҳим қисми эди. **Расмийликдан холи, ҳаёт ташвишлари, орзу-умидлар билан боғлиқ гурунглр одамга кўп нарса беради, ёшлар бундан катта ибрат олади.**

Хуллас, тадбирнинг иккинчи қисми — маъруза ва

муҳокамалар бошланди. ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Шахло Худойкулова маърузасининг ўзига хослиги — маълумотлар кўпчилиги ва аниқ таҳлил эди. Жумладан, у «Фаол аёллар» қаноти босиб ўтган йўл, эришган ютуқлари, етакчиларни танлаш ва бошқа масалаларга кенг тўхталди. Айни пайтда вилоятдаги партияимиз аъзоларининг 36,6 фоизи хотин-қизлар эканига эътибор қаратилди. Ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2 нафар, вилоят Кенгашига 5 нафар, шаҳар ва туман кенгашларига 26 нафар партияимиз аъзоси бўлган аёллар депутатликка сайлангани айтилди. Бундан ташқари, 846 бошланғич ташкилотнинг 216 тасида хотин-қизлар етакчилиги қилини таъкидланди.

Тадбирда «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳалари, «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига оид мулоҳазалар, тавсияларни кўпчилик қизиқиб тинглади.

Семинарда жонлиқ селлиди. Иккинчи нотиқ — Маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Лола Соодатова тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалалари ҳақида қўнқачлик билан фикр-мулоҳазалар билдирди.

— Ҳозир Қарши шаҳар аҳолисининг 50 фоиздан ортиғи хотин-қизлар, — деди **Қарши шаҳар Кенгашидаги**

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Словения:

ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ

Ўз ғоялари учун курашмоқда

Сўнгги йилларда Словенияда кечаётган сиёсий жараёнлар сиёсатчилар, таҳлилчи ва тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Чунки, ушбу мамлакатда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат тобора кучайиб бормоқда.

Буни 2014 йил 13 июлда муддатидан аввал ўтказилган парламент сайлови ҳам кўрсатиб берди. Гап шундаки, 2011 йилги сайловда фуқароларнинг 28,55 фоиз овози эвазига парламентда 28, яъни энг кўп ўринни қўлга кiritиб, ғолиб бўлган «Ижобий Словения» партияси бу гал парламентдан жой ололмади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир сиёсий партия жамиятда қандай мавқега эга бўлишидан қатъи назар, доимий равишда сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ўрганиши, уларнинг манфаатларини ифодалаши, ҳимоя қилиши зарур. Акс ҳолда, ҳар қандай партия тез обрў йўқотади.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, Словенияда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иш ўринлари яратиш, кексаларни қўллаб-қувватлаш сингари ғоялар тарафдори бўлган сиёсий партиялар кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун, сўнгги парламент сайловида 19 мандат билан иккинчи ўринни банд этган Словения демократик, 10 мандат билан учинчи бўлган Пенсционерлар демократик партияларнинг дастурларида айнан шундай ғоялар ўрин олган.

Мамлакатдаги энг йирик сиёсий кучлардан бири — Словения демократик партияси 1989 йилда ташкил этилган. Мазкур давлатнинг бугунги тараққиётида ушбу партия муҳим ўрин тутати.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни

икки палатали парламент — Миллий мажлис ва Миллий кенгаш ташкил этади. Шунингдек, ижро ҳокимиятини Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Миллий мажлисда 90 депутат фаолият юритади. Улар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ҳамда яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Депутатларнинг 88 нафари пропорционал, бир нафари италян, яна бир нафари венгер миллий жамиятидан мажоритар сайлов тизими асосида сайланади.

Сайлов кампанияси марказий сайлов комиссияси томонидан молиялаштирилади. Уларга бир хил эфир вақти ҳамда босма оммавий ахборот воситаларидан тенг миқдорда жой ажратилади.

Миллий мажлис ўз фаолиятини депутатлар таркибининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинадиган регламентга мувофиқ олиб боради. Мажлис раиси кўпчилик овоз билан сайланади. 2014 йилдан буён Милан Брглез кўйи палата спикери сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакат қонунчилигига кўра, парламент сайловини Президент эълон қилади. Парламентга сайлов амалдаги депутатларнинг ваколат муддати туташига кўти билан икки ой, камида 15 кун қолганида ўтказилиши лозим. Миллий мажлис тарқатиб юборилган тақдирда парламентнинг янги таркиби икки ой ичида сайланиши шарт.

Парламент қонун ва қарорлар қабул қилиб, халқаро шартномаларни ратификация этади. Ўзига хос хусусият шундаки, Словенияда сайловчиларнинг камида беш



Словенияда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иш ўринлари яратиш, кексаларни қўллаб-қувватлаш сингари ғоялар тарафдори бўлган сиёсий партиялар кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун, сўнгги парламент сайловида 19 мандат билан иккинчи ўринни банд этган Словения демократик, 10 мандат билан учинчи бўлган Пенсционерлар демократик партияларининг дастурларида айнан шундай ғоялар ўрин олган.

нинг нафари ташаббуси билан ҳам қонун лойиҳалари илгари сурилиши мумкин.

Миллий кенгаш юқори палатага хос ваколатларга эга, 40 аъзодан иборат. Уларнинг 22 нафарини маҳаллий ҳокимият органлари сайловчилари сайлайди. Палатага сайланадиган аъзоларнинг 18 нафари иш берувчилар касба бирлашмаси, маданият, таълим, илм-фан,

сайланади. Унинг ваколати яна шунча муддатга, яъни палата аъзолари ваколати тугагунга қадар давом этиши мумкин. Миллий кенгаш ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан мажлислар ўтказиши, Миллий мажлис кўриб чиқиши учун қонун лойиҳаларини илгари суради.

Умуман олганда, бугунги кунда Словенияда ўндан ортиқ катта-кичик сиёсий партиялар фаолият юритмоқда. Партияларнинг асосий йўналиши мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг яхши яшаши, турмуш даражасини кўтаришга қаратилган. Кейинги сайловларда ана шу йўналишда ўз сўзини айта олган сиёсий партиягина сайловчилар ишончини қозониши мумкин.

Интернет материаллари асосида
Нуралӣ ПРИМҚУЛОВ тайёрлади.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

АНТАРКТИДАДА
ЭРИЁТГАН
КАТТА МУЗ
БЎЛАГИ

дунё олимларини
хавотирга солмоқда

Антарктида шимолий қисмидаги тез эриб бораётган йирик муз бўлаги фожияларни келтириб чиқариши мумкин. Агар олимларнинг тахмини рост бўлиб чиқса, дунё океанларидаги сув сатҳи 2 метргача кўтарилиб кетади. Бу ҳақда dnl24.com сайти хабар бермоқда.



Бу фалокат, аввало, Гренландия ва Антарктиданинг ғарбий қисмларидан бошланади. Натижада орололди мамлакатлари ва худудларидаги миллионлаб аҳолининг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, эриб бораётган муз бўлагининг катталиги Франция худуди билан тенг. Бир йил аввал олимлар унинг сув ости қисми иссиқ ва шўр сув билан ювлиб, эриб бораётганини аниқлашганди. Музликда катта тешикларнинг ҳосил бўлиши эса жараён тезлашишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур музлик бундан бир неча миллион йил аввал ҳам эриган ва кўплаб табиий офатларни келтириб чиқарган.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ: ИШОНЧ ВА САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Мамлакатимизнинг бошқа худудларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган 21 маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам оқсоқоллар, миллия таянч пунктлари ходимлари ҳамда уйбошилар ҳамкорлигида мулкрий жиноятлар, халқ хўжалиги объектлари ҳамда хусусий хонадонлар, турар-жой биноларида ўғрилик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари, турли тезкор тадбирлар олиб борилмоқда.

«Соқчи», «Кулф» деб номланган ушбу тадбирлар давомида мингга яқин хонадон оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказилди. Юздан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишлари амалга оширилди. Натижада жорий йилнинг ўтган даври давомида 91 хонадон ҳамда 36 иншоот қўриқловга олинди.

Худудда фаолият юритаётган йирик савдо шохобчалари, олий ва ўрта махсус, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, автотураргоҳлар, тиббиёт масканлари, масъулият чекланган жамиятлари-га сифатли видеокузатув камералари ўрнатиш, ёнғиндан сақлаш ва қўриқлаш техник воситалари билан жиҳозлаш, техник қўриқлаш пункти қўриқловига топшириш масалаларида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари сусайтирилгани йўқ.

Бунинг самарасида 2500 дан зиёд қўриқловга олинган

объектга сифатли видеокузатув ускуналари ўрнатилди. Бу фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, мулкрий ҳамда босқинчилик, талончилик жиноятлари содир этилишининг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Яккасарой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан туман маъмурий худудда жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ 12 жиноят иши содир этилаётган пайтда фош этилди. Бу эса мазкур хизматнинг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани ва тезкор гуруҳ ходимларининг ўз ишига масъулият билан ёндашаётганидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

Элмурод КЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
ҳузуридаги
«Қўриқлаш» бирлашмаси ИХҚ
ва ЮТБ Матбуот гуруҳи катта
инспектори, катта лейтенант.

ТАНЛОВ

«Энг фаол спорт журналисти» танловига марҳамат!

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка атрофлича етказиш, бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Энг фаол спорт журналисти» республика танловини ўтказиши.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2016 йил 5 ва 19 май кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, «AMMOFOS MAXAM» АЖ балансидаги д/р 10/505CAA бўлган «ГБА-Нексия-СНГ» — 20 500 000 сўмга; д/р 10/292BAА бўлган «ГБАСНГ ВАЗ-21053-120-21» — 11 700 000 сўмга; д/р 10/141CAA бўлган «Матиз DLX» — 11 500 000 сўмга; Махсус авария-тиклаш бошқармаси харбий қисми балансидаги д/р 01/796DAA бўлган «Нексия ДОНС» — 17 800 000 сўмга сотилганлигини ҳамда «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 17 июнь 73-сониди

Танловга 2015 йил 1 июндан 2016 йил 1 июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун куниндаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-мукофот — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдориди;
- 2-мукофот — энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдориди;
- 3-мукофот — энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориди.

Танлов доирасида рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам

қўзда тутилган.

Тавсия этилаётган телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқача, радиоэшиттиришлар (системали диск ёки флешка) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак. Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилади.

Материаллар (бештадан кам бўлмаган ҳолда) танловга тақририят тавсияси билан жорий йилнинг 15 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ва профессионал фаолияти ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган

ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Энг фаол спорт журналисти» танлови ғолибларига мукофотлар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Энг фаол спорт журналисти» танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.

Барча фаол спорт журналистларини танловда иштирок этишга таклиф қиламиз. Телефонлар: 239-46-21, 239-44-78.

ЭЪЛОН

ООО «Dream Box International»
И
СП ООО «Daesan International»
объединяются и образуются

ООО «Daesan International».

По всем вопросам можно обратиться по тел.: (90)991-81-13, 960-43-37.

Гувоҳнома № 005357



Янги қонунчилик талабларига кўра, тергов органлари, жумладан, хусусий уйларда тунги вақтда ҳам тинтув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан аввал, фақат кундуз кўни тинтув олиб боришга рухсат этиларди. Эндиликда, электрон таъкид қилиш учун техник ускуналар харид қилиниб, гумондор шахслар ва сайтларни кузатиш ишлари кучайтирилади.

Янги қонун 2015 йил 13 ноябрь воқеаларидан сўнг жорий қилинган фавқулодда ҳолат тартиби муддати поёнига етгач, кучга киради.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОФИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ ЎН МИЛЛИОНДАН ОШГАН. 1995 ЙИЛИ «UZ» ДОМЕНИ РЎЙХАТГА ОЛИНГАНДАН БУЁН ЎТГАН ВАҚТ ДАВОМИДА УЛАРНИНГ СОНИ 26 МИНГДАН ОРТИҚНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

